

## 2-масала

2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфраструктурасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастурини сўзсиз амалга ошириш, қишлоқ жойларда ижтимоий объектларнинг ва намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойларнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш юзасидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг масъулияти тўғрисида

### Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Муҳтарам Президентимизнинг 2015 йил 6 мартдаги “2015-2019 йилларда инженерлик коммуникациялари ва йул-транспорт инфраструктурасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2313 сонли қарорига мувофиқ Андижон вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилди.

2015-2019 йилларда ривожлантириш ва модернизация қилиш паст кучланишли тармоқларни ва электр энергияси билан таъминловчи объектларни биринчи навбатда қишлоқ жойларда чет эл инвестиция маблағларини жалб этган ҳолда модернизация қилиш, дастур бўйича вилоятда 2905,6 км электр тармоқлари ва 488 дона трансформатор пунктларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Саноат корхоналарини мунтазам равишда электр энергияси билан таъминлаш, янги ташкил этилган корхоналарни белгиланган тартибда тармоққа улаш юзасидан тезкор чоралар кўриб борилмоқда.

Жумладан, электр тармоқларига уланиш бўйича саноат корхоналари, ва кичик бизнес субъектларидан келиб тушган 195 та мурожаатларга асосан барча субъектлар қисқа муддатларда электр таъминотиغا уланди.

Шунингдек, ҳисобот даврида 30,6 км электр тармоқлари қурилди ва 19 дона трансформатор пунктлари қуриб ишга туширилди (1-чорак режасига нисбатан 177 фоиз) ва ушбу ишлар учун 3,6 млрд.сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди. Бундан ташқари, 332,3 км (1-чорак режасига нисбатан 100 фоиз) электр тармоғи ва 98 та (100 фоиз) трансформатор мукамал таъмирланди, 1667 км (101 фоиз) тармоқ ва 387 та трансформатор жорий таъмирланди.

Маълумот учун: Вилоятда куз-киш мавсумида энерготизимнинг тифиз вақтларда электр энергиясини тежаш мақсадида, 224 дона бензин ва пропан газ қуйиш шохобчаларидан 117 тасига альтернатив манбаа-электр энергия ишлаб

*чиқарувчи генераторлар ўрнатилиб, 3510 кВт.соат электр энергияси, истеъмолчилардаги 404 561 дона чўгланма лампаларни тежамкор лампаларга алмаштириш ҳисобига, бир суткада 291 284 кВт.соат электр энергиясини тежашга эришилди*

2016 йил 1-чорак якуни билан мавжуд 540,1 минг нафар аҳоли истеъмолчиларидан 418,1 минг нафарига замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди. Шундан, 23,7 мингта аҳоли хонадонлари, 42,2 минг хўжалик юритувчи субъектлар электр энергиясини автоматлаштирилган бошқарув (АСКУЭ) тизимига уланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 июндаги ПҚ-1985 сонли қарорига асосан, Фарғона водийсини Республикамиз пойтахти ва бошқа ҳудудлари билан боғловчи электрлаштирилган темир йўли қурилиши белгиланган. Бунга кўра, Андижон темир йўл вокзалини реконструкция қилиш учун 15 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, бугунги кунда объектга 8 млрд.сўм (53 фоиз) молиялаштирилиб, 13,5 млрд сўмлик (90 фоиз) ишлар бажарилди. Объект жорий йил 15 апрелга қадар фойдаланишга топширилади. Темир йўлларда ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида, узунлиги 156,1 км бош йўллар, 65,7 км станция йўллари, 13 та кўприклар, 66 та суний иншоотлар таъмирланди. 2020 йилга қадар темир йўл транспорти хизматларини 2 мартага ошириш режалаштирилган.

Вилоят аҳолиси ва иқтисодиёт тармоқларини табiiй газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида, 2016 йилда 9,7 км газ тармоқларини реконструкция қилиш режалаштирилган бўлиб, кўрсатилган ишлар жорий йилнинг 2-чорагидан бошлаб амалга оширилиши белгиланган.

Табиий газ етиб бориши муаммоли бўлган, ёхуд газлашмаган ҳудудларда яшовчи аҳоли эҳтиёжлари учун суюлтирилган газни барқарор етказиб берилиши ва бу борада қулайликлар яратиш, иш унумини ошириш учун фаолият юритаётган газ тўлдириш шахобчаларга кўшимча тарзда Асака туманининг Ахтачи ҳудудида газ тўлдириш шахобчаси қурилиши бошланган бўлиб, ҳозирда қурилиш ишлар жадал суратларда олиб борилмоқда ва йил якунига қадар фойдаланишга топширилади.

Жорий йил январ-март ойлари давомида аҳолига суюқ газ етказиб бериш режаси 7293,7 тн. бўлиб, амалда 7721,2 тн. етказиб берилиб, белгиланган режа 106 фоизга бажарилди.

Суюлтирилган газга мослаштирилган истеъмолчиларга жорий йил учун ажратилган маиший газ балон режаси 82 минг 512 дона бўлиб, амалда 1 апрель ҳолатига жами 14 минг 600 дона (17 фоиз) истеъмолчиларга етказиб берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг табиий газ билан боғлиқ ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида хисобот даврида 7 та субъектларнинг газ тармоқларига уланиши таъминланди.

2016 йилги Давлат инвестиция дастурига асосан вилоятда 51 та аҳоли пунктида умумий қиймати 11,5 млрд. сўмлик 62 км сув тармоқлари ва 23 та сув қудуқларини реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланиши режалаштирилган бўлиб, хисобот даврида пудрат ташкилотлари томонидан 2,7 млрд.сўмлик (23 фоиз) қурилиш ишлари бажарилиб, 10 км янги тармоқ ва 5 дона сув қудуқлари қурилди.

Хисобот даврида жами 194 та янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари ичимлик суви тармоқларига уланди.

Ушбу ишларни тўлиқ амалга ошириш натижасида 23 та чекка қишлоқлардаги 18 минг нафар аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 июлдаги ПҚ-1378 сонли қарорига асосан Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағлари хисобидан, 5 та ичимлик ва 1 та оқава сув иншоотларини ҳамда Андижон шаҳридаги 51,7 км ичимлик суви тармоқларини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиб, шу кунга қадар 51,1 км (99 фоиз) сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Ичимлик ва оқава иншоотларида қурилиш монтаж ишлари давом этирилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 15 февралдаги ПҚ-1707 сонли қарорига асосан 2015 йилда 1,4 млн. АҚШ доллари хисобига 10,4 км узунликдаги оқава сув коллекторларини қурилиши олиб борилиб, шу кунга қадар 9,8 км оқава сув тармоғи қурилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 январдаги (*“2016 йилда турар-жой массивлари қурилиши дастури ва келгусида индустриал базани ривожлантириш чора-тадбирлари ҳамда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибда уй-жойлар қурилишини маҳаллийлаштириш тўғрисида”ги*) ПҚ-2483-сонли қарорига мувофиқ жорий йилда вилоятнинг 27 та қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида 1139 та уй-жой қурилиши белгиланган.

Ҳозирги кунгача барча уйларда пойдевор ишлари тўла якунланиб, девор уриш ишлари бошланди, шундан 944 та (83 фоиз) уйда девор уриш ишлари якунланди, 420 та (37 фоиз) уйларда плита ёпиш, 22 та уйда том ёпиш ишлари якунланган 85 та уйда ички ва ташқи сувоқ, 210 та уйда ташқи ховли қурилма ишлари бажарилган.

Уйлар қурилишига 9 минг 526 нафар ишчилар жалб қилинди (*1 та уйга ўртача 9 нафар*).

“Қишлоқ қурилиш инвест” компанияси омборида 41 минг 590 секция алюмин радиаторлар, 298 дона аристон, 130 дона электр хисоблагич, 180 дона газ плита, 5474 куб.метр ёғоч тахта, 13022 кв. метр ламинат, 33750 п/м плинтус, 79974 кв/метр тунука, 1435 тонна металл прокат, 13818 кв/метр керамик плита, 100 тонна қасқа заҳира қилинган.

Уй-жойлардан 1,2 млрд. сўм шаклланмаган бошланғич маблағ мавжуд бўлиб, тўлиқ тушириш чоралари кўрилмоқда.

Намунавий уй-жойларни қурилиш ишларини 1 августгача якунлаш бўйича ҳафтанинг ҳар якшанба куни “қурилиш куни” деб эълон қилинган бўлиб, ҳафталик амалга оширилган ишлар муҳокама қилиб борилмоқда.

Ҳар бир массивга “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК вилоят филиали, қурилиш-пудрат корхоналари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари буюртмачи-қурувчилари, лойиҳачилар ҳамда назорат қилувчи органларнинг қиладиган ишлари аниқ белгиланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳар бир массив бўйича туман ҳокимликларининг маъсул вакиллари, пудрат корхоналарига маҳаллий қурилиш материалларини (*пишган ғишт ва темир-бетон буюмлари*) етказиб берувчилари бириктирилган.

#### Коммуникация тармоқлари:

Жорий йил дастурига асосан 39,1 км сув, 27,1 км электр, 35,7 км газ тармоқлари ва 24,4 км йўл қурилиши белгиланган.

Шу кунгача массивларга 11 км сув (28 фоиз), 8 км электр тармоқлари қурилди, 24 км йўл қурилиш бўйича ер ишлари бошланган 35,7 км газ тармоғи қурилиши учун 12 км газ қувурлари олиб келинди.

Қишлоқ массивларида жорий йилда 17 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, жумладан 1 та гузар, 5 та савдо мажмуаси, 1 та нон цехи, 1 та милиция таянч пункти, 1 та болалар майдончаси ҳамда 8 та маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга туширилиши белгиланган бўлиб, барчасида қурилиш ишлари бошланган уй-жойлар билан бир вақтда фойдаланишга топширилади.

#### **Ҳурматли мажлис қатнашчилари !**

Саноат салоҳиятини ошириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий инфратузилмасини комплекс ривожлантириш юзасидан вилоятда тизимли иш ташкил этиш чоралари кўрилади. Бу борада жорий йилда қуйидагиларни амалга оширишни режалаштириб олганмиз.

**-биринчидан,** Ўзбекистон миллий автомагистралининг вилоят ҳудудидан ўтган қисмидага 3 та объектларда (А373 “Тошкент-Андижон-Ўш”) реконструкция ишларини амалга ошириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан умумфойдаланувдаги халқаро ва давлат аҳамиятдаги автомобил йўлларини тўла таъмирлаш объектларни ишга тушириш;

**-иккинчидан,** жами 150,2 км. сув тармоқларини қуриш ва таъмирлаш белгиланган. Шундан: Инвестиция хисобидан 62,0 км. 29,1 км. мукамал таъмирлаш, 59,1 км. жорий таъмирлаш ҳамда 72 та сув кудуқларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш;

**-учинчидан,** 3878,8 км электр тармоқлари ва 1420 та трансформатор пунктларини жорий таъмирлаш ҳамда 1234 км. электр тармоқларини ва 526 та трансформатор пунктларини мукамал таъмирлаш ишларини тизимли амалга ошириш;

Юқоридаги мақсадлар ва бугунги йиғилишда олдимизга қўйилган барча вазифаларни сўзсиз бажаришга энг аввало, менинг бошчилигимда барча масъул вилоят раҳбарлари бутун салоҳият ва имкониятларимизни сафарбар этамиз деб Сизларни ишонтиришга рухсат бергайсиз.